



# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2006 йил  
12 апрель  
ЧОРШАНБА  
№ 29  
(11.832)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

## ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

Халқ депутатлари вилоят кенгашининг VII сессияси бўлиб ўтди. Сессия ишида бир қатор жамоат ташкилотлари раҳбарлари ҳам иштирок этишди. Сессияга халқ депутатлари вилоят кенгашининг раиси, вилоят ҳокими Мурашова Кучиева раислик қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сена-ти Кенгашининг «Фуқаро-лар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қарорини бажариш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

Маълумки, ҳисобот даврида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда «Ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида» ва «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Қонунлар мувофиқ шаҳар, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидоги маҳал-ларда ўзини ўзи бошқариш органлари — фуқаролар йиғинлари иш олиб бора бошлади. 2003 йилнинг ноябрь-декабрь ойла-ридаги қонун ҳужжатлари-га мувофиқ, демократик ва ошкоралик, фуқароларнинг фаол иштирокида ўтказил-ди. Олдинги сайловда ша-харча ва қишлоқ фуқаро-лар йиғинларига 164, ма-ҳалла фуқаролар йиғинла-рига 719 — фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига жами 883 оқсоқол сайланган эди. Шу йилнинг май-июнь ойлари-да фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчиларининг вако-лат мuddати тугайди. Шу муносабат билан уларнинг навбатдаги сайловига қиз-гин тайёргарлик бошлаб юборилди. Бугунги кунга келиб, вилоятда фуқаро-ларнинг ўзини ўзи бош-қариш органлари 1454 тага етди. Уларнинг 164 таси шаҳарча ва қишлоқ, 1290 таси маҳаллаларнинг фуқаролар йиғинларидир. Сессияда яқинлашиб ке-лаётган сайловни ўз мuddатларида ва белгиланган тартибда ўтказиш билан боғлиқ ташкилий ишларни

кучайтириш лозимлиги таъкидланди. Мамлакат Парламентининг юқори палатаси Кенгаши қарориди бўлажак сайловларнинг қонунчи-ликка мувофиқ равишда ўтказилишини таъминлаш борасидаги асосий вази-фа маҳаллий кенгашларга юқлатилган, шу мақсадда жойларда сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишга кўмак-лашувчи комиссиялар ташкил этилиши ҳам бел-гиланган.


Фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари қонунчилик «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонун ва бошқа қонун ҳуж-жатларидан иборатдир. Шуни ҳам айтиб ўтиш ке-ракки, илгариги сайловлар айнан шу қонун доирасида ўтказиб келинган. Бу йилги фуқаролар йиғини раислари ва уларнинг мас-лаҳатчилари сайловлари биринчи мартаба 2004 йилда қабул қилинган «Фу-қаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг мас-лаҳатчилари сайлови тўғри-сида»ги Қонунга асосан бўлиб ўтади. Мазкур қонун оқсоқоллар ва маслаҳатчи-лар сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга доир муносабатларни тар-тибга солишга йўналти-рилган.

Вилоят сессиясида ма-зкур қонуннинг 9-мuddаси-га биноан сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи вилоят ко-миссияси тузилди, унинг таркиби тасдиқланди. Қонунда кўрсатиб ўтил-гандек, комиссия аъзолли-га фуқаролар йиғини, дав-лат жамияти ва бошқарув идоралари, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимо-

ий ҳаракати ва хотин-қиз-лар кўмиталари вакиллари киритилди. Айни пайтда шаҳар ва туманларда ҳам шундай комиссиялар ту-зиш, жойларда ишчи гуруҳ-лари ташкил этиш лозим-лиги кўрсатиб ўтилди. Шуни унутмаслик керакки, амалдаги раис ва мас-лаҳатчилар, шунингдек, ном-зоди кўрсатилган кишилар бу гуруҳлар таркибига ки-ритилиши мумкин эмас.

Сессия маҳалла оқсо-қоллари номзодини тан-лаш қанчалик муҳимлигига алоҳида тўхталиб ўтди. Чун-ки эндиликда уларга ма-ҳаллий бошқарув органла-рининг қўлаб қувватлари топширилган. Шу боис ма-ҳалла оқсоқолларининг масъулияти ниҳоятда ор-тиб бормоқда. Улар ғайрат-ли, ташаббускор ва билим-дон кишилар орасидан тан-лаб олиниши лозимлиги алоҳида таъкидлаб кўрс-атилди. Бўлажак сайловлар мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар жараёнларини ўзида ифода этиб, кенг ош-коралик шараитида ўткази-лиши лозим. Бунда шаҳар ва туман кенгашлари депу-татлари зиммасига алоҳи-да вазифалар юқлатилади. Улар сайловолди тадбир-ларини ташкил этишда ўз сайлов округларида фаол-лик ва жонбозлик кўрсатиб иш олиб боришлари керак бўлади. Фуқаролар йиғини раислари ва уларнинг мас-лаҳатчилари сайловини ташкил этишнинг бориши ва ўтказилиши маҳаллий оммавий ахборот восита-ларида кенг ёритиб борили-ши муҳимлиги ҳам кўрс-атиб ўтилди.

Сессияда сайловолди ишларини жонлантиришга, ишчи гуруҳлари фаолияти-ни изчил мувофиқлашти-ришга, зарур ҳолларда бино, транспорт ва алоқа воситалари билан таъмин-лаш, сайловолди ишлари-ни жонлантиришга қара-тилган чора-тадбирларни қамраб олинган қарор қабул қилинди.



## МЕҲНАТДАН ТОПИЛГАН ҚАДР

Абдурайим Абдукаримов 1982 йилдан буйён Паркент ту-мани электр тармоғи тизимида электрмонтер вазифа-сида ҳалол меҳнат қилиб келмоқда. У ўзининг ишчанлиги билан барчага ўрнак бўлмоқда. Кишиларнинг уйда тара-лаётган электр энергиясининг етказиб берилишида унинг ҳам ҳиссаси бор.

**СУРАТДА:** Абдурайим Абдукаримов ўз ишидан мамну-лигини унинг табассумидан ҳам билса бўлади.

Хусанбой АБВАЛОВ олган сурат.

Тинчлик бўлса, юрда мусаффо тонглар отади, оналар хотиржам алла айтадилар, фарзандлар баркамол улғайдилар.

## ТИНЧЛИГИМИЗ — БОЙЛИГИМИЗ

Бугунги осуда ҳаёти-миз, осойишта кунлари-мизнинг қадрига етиш, уни асраб-авайлаш ҳар биримиздан юксак оғоҳлик ва ҳушёрликни, ён-атроф-да кечаётган воқеаларга бефарқ бўлмасликни та-лаб этмоқда. Бунда ёшлар ва аёлларнинг ўрни, ай-ниқса, алоҳидадир. Қуйичрчиқ тумани қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежиди Ўзбеки-стон Хотин-қизлар кўмита-си ташаббуси билан «Аёл — баркамол авлод мураб-бийси», «Ёшлар — терро-ризмга қарши» мавзулари-да ўтказилган кеча ана шундай долзарб масала-ларга бағишланди.

Тадбирда туман маҳал-ларининг оқсоқоллари, маслаҳатчилари, хотин-қизлар кенгашлари раис-лари, талаба ёшлар, ҳуқуқ-тартибот идоралари ва-киллари иштирок этишди. Аёллар ва ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларни оғоҳлик-ка даъват этиш, диний-эк-стремизм ва унинг янчили-қибатлари теварағида фикр юритилди. Тадбир иштирокчилари, айниқса, шоира Зулфия Муминова-нинг аёл, она, унинг оила ва жамиятдаги макеи

(Давоми 2-бетда).

## АНГРЕНДА ЯНГИ ИНШОТЛАР

Кўмирчилар, нурчилар шаҳри сифатида республика-га танилган Ангрэн шаҳрида мустақилликнинг 15 йиллигига тайёргарлик кўриш ишлари бошлаб юборилди.

Июнь ойида шаҳарнинг Истиқлол шох кўчасида замона-вий тўйхона, Чиркизов кўчаси-даги Ёшлар хиббониди янги чойхона, Охангарон кўчасида автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, шунингдек ёнидаги қўйиш шохобчалари фойдала-нишга топширилади. Нуробод кўрғониди бунёд этилаётган

вилоят фтизиатрия ва пульмо-нология мажмуаси эса муста-қиллик кўни ўз фаолиятини бошлайди. Шаҳардаги кўп қаватли уйлари газлашти-риш давом этирилди.

Бугунги кунда Тошкент вилояти Давлат педагогика институтининг профессорла-ри томонидан шаҳар тарихи-

га, шунингдек, мустақиллик-ни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшган кишилар ҳаёти-га оид китоб ёзилмоқда. Бай-рам шарафига шаҳардаги корхоналар, ташкилотлар, ўқув юртлиги, мактаблар жа-моалари ўртасида спорт му-бозирлиги, «Ёш рассомлар», «Ёш қаламкашлар», «Ёш хунармандлар» кўрик-танлов-лари ўтказилиши ҳам режа-лаштирилган.

Мунаввара ИСОКУЛОВА.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

**В.А.Голишевни Ўзбекистон Республикаси Президентининг ижтимоий-иқтисодий сиёсат масалалари бўйича Давлат**

**маслаҳатчиси этиб тайинлаш тўғрисида**  
Вячеслав Аркадьевич Голишев Ўзбекистон Республикаси Президентининг ижтимоий-иқтисодий сиёсат маса-лалари бўйича Давлат маслаҳатчиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ.**  
Тошкент шаҳри, 2006 йил 11 апрель.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

**Б.А.Хўжаевни Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазири этиб тасдиқлаш тўғрисида**

Ботир Асадиллаевич Хўжаев Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазири этиб тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ.**  
Тошкент шаҳри, 2006 йил 11 апрель.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

**В.А.Голишевни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Иқтисодиёт вазири, иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар мажмуаси раҳбари лавозимидан озод қилиш тўғрисида**

Вячеслав Аркадьевич Голишев бошқа ишга ўтиши му-носабати билан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Иқтисодиёт вазири, иқтисодиёт ва таш-қи иқтисодий алоқалар мажмуаси раҳбари лавозимидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ.**  
Тошкент шаҳри, 2006 йил 11 апрель.

2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили

## САХОВАТПЕШАЛИК — ОЛИЙ МЕЗОН

Миллий мустақиллик Ўзбекистонда халқимизнинг қадимий аънавалари қайта тикланишига, миллий қадриятларимиз ўзининг бутун моҳияти билан ҳаёти-мизга сингиб боришига олиб келди. Чунончи, ҳар бир йилга маълум ном бериш ва мамлакатимизда яшовчи барча кишиларнинг муайян мақсадларни амалга оширишга отлантириш аънараси бугун ҳаётиимизда муқим тус касб этди.

Халқимизнинг ўз Ватанига муҳаббати, садокати, уни яна-да кўркамлаштириш ва обо-донлаштиришга иштиёқи, оилани мустаҳкамлаш, на-вқирон авлодни баркамол қилиб тарбиялашга интилиши, инсонга меҳр-муруват кўрс-атиш сингари фазилатлари эн-диликда тобора яққол кўзга ташланмоқда.

2006 йилнинг Ҳомийлар ва шифокорлар йили деб ном-ланиши муносабати билан кўламли миллий дастур, унинг асосида ҳудудий дастурлар қабул қилиниб, изчил амалга оширилаётди. Хўш, дастлабки чорада унинг ба-жарилиши қандай бордини? Нималарга эришиш-ку, олди-мизда қандай вазифалар ту-рибди?

«Ҳомийлар ва шифокорлар йили» вилоят дастурида бел-гиланган мақсадларни амал-га оширишга шу уч ой мобай-лида 3 миллиард 343,5 мил-лион сўм маблағ сарфланди. Виллоятимиз шаҳар ва туман-лари маҳаллаларидаги аҳоли-нинг ночор қатламларига аниқ йўналишли моддий ёрдам кўрсатиш ва маънавий қўлаб-қувватлаш чора-тадбирлари-га бу маблағнинг 1 миллиард 223,3 миллион сўми сарflan-ганлиги дастурнинг инсонлар-варлик ва меҳр-муруват, са-ховат кўрсатиш моҳиятини яққол намойён этди. Чунончи, бу йил 1-синфда ўқийши бошла-ган 48,7 мингдан зиёд кичкин-той ўқув анжомларининг тўлиқ мажмуини олди. Умумтаълим мактабларининг кам таъмин-

(Давоми 2-бетда).

## ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Вилоят ҳокимлиги Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш қотибистининг биринчи чорак ақунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда шаҳар, туман ҳокимларининг ўринбосар-лари, хотин-қизлар кўмита-лари раислари, тегишли ташкилотларнинг раҳбар-лари иштирок этишди.

Йиғилишнинг Қотибият мудири Индира Ҳалимова бошқарди. Таъкидлангани-дек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш бораси-даги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, уни амалга ошириш юзаси-дан вилоят ҳокими қабул қилган қарорнинг ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилди. Хусусан, вилоятда оилаларни мустаҳкамлаш, соғлом оилани шакллантириш, оилаларда илқ маънавий муҳитни қарор топшириш, хотин-қиз-ларнинг ижтимоий-сиёсий фаолликларини ошириш, уларни ишга жойлаштириш ва меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш севиларли яқ-шиланди. Қотибият тасар-руфидидаги ташкилотлар, ху-сусан, «Маҳалла», «Нав-

рўз», «Соғлом авлод учун», «Нуроний» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимо-ий ҳаракатининг вилоят бўлими, қасаба уюшма-лари вилоят кенгаши, «Ис-теъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» ва ногирон-лар қамқоғуви «Ҳомий-лар ва шифокорлар йили» давлат дастури ижроси юзасидан кам таъминлан-ган оилаларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўлаб-қувватлаш, спортни ривож-ландириш, маърифий йўна-лишдаги тадбирларни амалга ошириш борасида ижобий натижаларга эриш-ганлиги қайд этилди. Ле-кин хотин-қизлар ва вояга етмаганлар ўртасида айрим салбий ҳолатлар ҳам юз бераётганлиги кўрсатиб ўтилди. Хусусан, нотинч оилалар, фохшалар, воя-га етмаганлар ўртасида жи-ноятчилик ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан орт-ганлиги танқид қилинди. Йиғилишда келгусида эътибор қаратилиши лозим булган вазифалар белгилаб олинди.

## Ташаббус



## ЯХШИДАН БОҒ...

Гўзал ва бетакрор юртимизга яшариш ва янгила-ни фасли кўклам ташриф буюриши билан дехқону соҳибдорлар эзгу ниятлар билан баҳорги юмуш-ларини бошлаб юбордилар. Қишлоқ ва маҳаллалар, бог-роғларнинг баҳорий қиёфаси кўзни қувонтириб, дилни хушнуд этмоқда. Ҳар қаққани ганимат билган юртдошларимиз ободонлаштириш ва кўка-ламзорлаштириш ишларини уюшқоқлик билан давом эттирмоқдалар.

Маълумки, мевачилик, сабзавотчилик ва картош-качилик азалдан вилоят қишлоқ хўжалигининг му-ҳим тармоқларидан ҳисобланади. Мутахас-сислар воҳадаги тупроқ, сув, иқлим ва бошқа таби-ий омиллар туфайли бог-дорчилик, узумчилик ва

умуман дехқончилик мах-судотлари юқори сифат-ли бўлиши учун ўзига хос табиий шариот мавжудли-гини тан олишган. Шу нуктаи назардан қараган-да дехқон, богдон ва со-ҳибдорларнинг авлодлар олдидаги масъулияти ва шарафли бурчи аввало

суғориладиган ерлардан оқилона фойдаланиш, ҳар қарч ерни алоҳида меҳр билан авайлаб-асраш ва бойитишдир.

Кейинги вақтларда ви-лоятда етиштирилаётган мева, сабзавот ва полиз маҳсулотларига қўшни дав-латларнинг қўлини ор-тиб бормоқда. Улар билан ўзаро манфаатли ҳамкор-лик кенгаймоқда. Ички бо-зорни тўлдириб, дастур-хонларимизни тўқин-сочин қилиш, нарх-навони макбул даражада сақлаш, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари-ни барпо этиш ҳисобида

# САХОВАТПЕШАЛИК — ОЛИЙ МЕЗОН

зиёд дори-дармон етказиб берилди.

Ҳомий ташкилот ва корхоналар ёрдамида Қибрай туманидаги 3-умумтаълим мактабига спорт анжумлари топширилди. Бўка туманидаги 15-болалар уйи, Қибрай туманидаги 3-мактаб, умуман, болалар ва ўсмирлар спорт мактабларига 25 миллион сўмлик спорт ашёлари олиб берилди.

Дастур тадбирлари доирасида кам таъминланган фуқаролар, болалар ва ногиронларни даволаш ва соғломлаштириш мақсадида бюджет, ҳомийлар, касаб ва уюшмалари билан широк алоқада бўлиб, ижтимоий сўғурта ва ҳўжалик маблағларини деярли 850 миллион сўм сарфланди. Айрим болалар жароҳлик йўли билан даволаниш учун чет элга юборилди. Юзлаб кишилар санаторийлар ва бошқа марказий шифохоналарда бепул даволанди. Олис ва чекка кишлоқларнинг 2000 дан зиёд аҳолиси тиббий кўриқдан ўтказилиб, муолажа чоралари кўрилди.

Маълумки, «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» вилоят дастури асосида амалга оширилган тиб- (Давоми. Боши 1-бетда).

биёт ходимлари касбининг мавқеини кўтариш, уларнинг меҳнатини рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш, соғлиқни сақлаш муассасалари моддий-техник базасини замонавий андозалар асосида янада ривожлантиришни назарда тутди. Шунинг билан таъкидлаш мумкинки, ана шу мақсадларга бюджет ва ҳомийларнинг маблағлари ҳисобидан икки миллион сўмдан кўпроқ пул сарфланди. Шу мўддатда барча соғлиқни сақлаш муассасаларида моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси шакллантирилди. Асосий эътибор тиббиёт ходимлари ва шифокорларни моддий кўллаб-қувватлаш, уларнинг малакасини ошириш масалаларига қаратилмоқда. Ҳозир «Энг яхши ҳамшира» кўриқ-танловининг шаҳар ва туман босқичи ўтказилмоқда.

Охангарон туманидаги Бирлик кишлоқ врачлик пунктида, Олмалиқдаги 100 ўринли болалар юқумли касалликлар шифохонаси, болалар клиникаси, силга қарши кураш диспансери, тиббиёт-санитария бўлимида қурилиш-таъмирлаш ишлари режалаштирилган. Бундай кўламли ишлар барча шаҳар ва туманлар-

да ҳам олиб борилаётир. Соғлиқни сақлаш муассасаларини замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш давом этаётир. Бу жараёнга хорижий сармоядорларни жалб қилиш борасида ички иш олиб борилаётир. Жумладан, Австриянинг «Лабсистемс инк спейс» фирмаси «Янгийул шаҳар марказий шифохонасига ҳомийлик ёрдами тариқасида 1,1 миллион сўмлик кардиомонитор топширди.

Ҳомийлар шифохоналарини «Тез тиббий ёрдам» машиналари, тиббий асбоб-ускуналар, мебеллар билан таъминлашга катта ёрдам бермоқдалар. «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастурини амалга оширишда «Узметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш би-рлашмаси, «Узавтотехсизмат» акциядорлик жамияти, «Экосан» халқаро жамғармаси, унлаб корхоналар, юзлаб катта-кичик ҳомий ташкилотлар алоҳида саховатпешалик кўрсатаётирлар.

**Абдумутал АСРАРОВ,** вилоят ҳокимлиги Иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича котибият мудири.



## «БОЛАЛАРНИНГ БЕГОНАСИ БЎЛМАЙДИ»

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ўтказган хайрия тадбирларининг бири ана шундай — «Болаларнинг бегонаси бўлмайдми», деб аталди. Олий ўқув юртинининг хотин-қизлар кенгаши раҳбарлигида талаба қизлар томонидан тайёрланган турли хил ўйин-чоқлар, ширинликлар мактаб-интернатлар тарбияланувчилари ҳамда ногирон болаларга совға қилинмоқда.

Ана шундай хайрия тадбирларининг навбатдигиси Тошкент ахборот технологиялари университетида бўлиб ўтди. Унда мазкур университет талабалари тайёрлаган уч озадан зиёд ўйинчоқ ва турли ширинликлар мактаб-интернат ўқувчиларига топширилди.

## Тадбиркорликка кенг йўл

Яқинда анчайин гавжум савдо мажмуаларидан бирига тушиб, кундалик эҳтиёжлар учун асқотадиган буюмларни харид қилиб юрган-дими, ён-атрофимиздаги раста олдида харидор билан сотувчининг ўзаро суҳбати қулқоққа чалинди. Харидор трикотаж молларидан бири-ни қўлга олиб, у ёқ-бу ёқига кўз ташлади-да, нарҳини суриштирди. Сотувчининг жавобидан бироз ҳайратланди чоғи, уни яна сўроққа тутди:

— Нега бунақа арзон. Анави растанда худди шу нарса-ни уч баробар қиммат сўрашди-ку?

Сотувчи мийғида қулди-да, сабабини айтди:

— Бу ўзимизнинг корхоналарда тайёрланган. Сиз кўргангиз эса хорижийки. Шунинг учун қиммат.

— Шундай денг? Унда олмайман, ўзимизникига ишонч йўқ...

Очиғи, бундай маъзарога сиз ҳам бир неча бор гувоҳ бўлгансиз. Чунки, аксарият одамларимиз онгу шуғурида хориж маҳсулотларига қизиқиш, уларнинг сифатини ўзимизда ишлаб чиқарилган турдош буюмлардан юқори қўйиш, миллий маҳсулотларимизга ишончсиз назар билан қарашга мойиллик қилди. Аслини олганда, бундай бир-бирларга, асосис тушун-чалардан халос бўлиш вақти аллақачон келди. Хўро-эқанд чет элники, деса эътибори ялайдиган замоналар ўтди. Аксинча, «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» тамғаси остида сотилаётган миллий маҳсулотларимиз ўз сифати, ҳар қандай андоза талабларига мослиги билан, ҳатто, ташқи бозорда ҳам харидорларни топаётгани сир эмас.

«MIRSAZAVA» корхонаси фаолияти ва у ишлаб чиқараётган маҳсулотлар хусусида ҳам ана шундай фикр юритиш мумкин. Корхона мамлакатимиз истиклолга эришиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун кенг йўл очиб берилган бош-бора имкониятларимизни

# ҚОНУННИ БИЛГАН ЮТҚАЗМАЙДИ

Янгийул туманидаги «Гулбахор» саноат касб-ҳунар коллежида «Сиз қонунни биласизми?» кўриқ-танловининг вилоят босқичи ўтказилди.

Ушбу нуфузли танлов вилоят ҳокимлиги, прокуратураси, ички ишлар, адлия, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, халқ таълими бошқармалари ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда вилоятимизнинг шаҳар ва туманларидаги академик лицей, касб-ҳунар коллежларидан 21 та жамоа ғолиблик учун курашишди. Танловнинг асосий мақсади эса ёшлар ўртасида ҳуқуқий таълим-тарбияни такомиллаштириш, амалдаги қонунлар моҳиятини ўсиб келаётган ёш авлодга тушунириш, ҳуқуқий-демократик давлат барпо этишда ёшлар иштирокини таъминлаш, қонунлар тарғиботи орқали ёшлар ва ўсмирлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликни камайтиришдир.

Яқиний натижаларга кўра, олий ўринни Анг-рен шаҳрининг «Адолат» жамоаси қўлга киритиб, республика босқичига йўлланма олди. Биринчи ўрин Бекобод туманининг «Қалқон» жамоасига насиб этди. Иккинчи ўринни Бекобод шаҳри ҳамда Оққўрт тумани эгаллади. Уртачирчиқ, Янгийул, Бўстонлиқ туманлари ва Охангарон шаҳри кўриқ-қизлари учинчи ўрин билан кифояланди.

Бундан ташқари, номинациялар бўйича «Энг ташкилотчи жамоа» деб «Адолат» жамоаси (Чирчиқ шаҳри), «Энг ижодкор жамоа» сифатида «Қалқон» жамоаси (Охангарон тумани) ҳамда «Энг қувноқ жамоа» унвонига Бўка, Пскент жамоалари эга бўлишди.

**Хуришда НАЗАРОВА,** «Тошкент ҳақиқати» мухбири. **СУРАТДА:** кўриқ-танловдан лавҳа.

# ТИНЧЛИГИМИЗ — БОЙЛИГИМИЗ

ҳақидаги сўзларини, аёлни, тинчликни, ёшларни мадҳ этувчи шеърларини завқ билан тингладилар. Таниқли артистлар Пўлат Носиров ва Муқаддас Холликованинг чиқишлари ҳам тадбир иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Шунингдек, ёш хонандаларнинг куй-қўшиқлари даврга файз киритди. Кеча давомида иштирокчилар билан қизиқарли савол-жавоблар ўтказилди, фикр алмашилди. Биз тадбир иштирокчиларидан айримлари билан суҳбатлашдик.

**Хуришда АБДУҒАФФОРОВА,** туман ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси:

— Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан ўтказилаётган бу тадбир бизнинг туманимиздан бошланаётганлигидан хурсандимиз. Ҳеч шубҳасиз, бугунги фикр алмашув кишлоқларимиз

аёлларининг маънавиятини бойитади, уларнинг баркамоллигини таъминлашга хизмат қилади.

**Марҳаббо НОРМАТОВА,** «Маҳалла» жамғармаси туман бўлими раиси:

— Халқимиз «Кўшнинг тинч — сен тинч» деб бежиз айтмайди. Ҳар биримиз юртимиз тинчлигини ўйлаб, ён-атрофимизда кечаётган воқеаларга бефарқ бўлмастимиз керак. Бугунги учрашув ва суҳбатлар

кишлоқларимиз фаоллари, уй бекалари маънавий дунёсини бойитиб, уларда ватанпарварлик руҳини кучайтиради, доимо огоҳ бўлишга даъват этади.

**Мухтарам БҮРИЕВА,** вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиги ўринбосари:

— Бугунги кунда вилоятимизда 78 та ўрта махсус касб-ҳунар коллежи фаолият юритмоқда. Уларда

55 мингга яқин талаба билим олиб, замонавий касбларни эгалламоқда. Ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбияловчи бундай тадбирларнинг самараси катта бўлиши шубҳасиз. Ҳар бир ўқув муассасасида шундай учрашувлар ўтказиб туришимиз. Ҳеч шубҳасиз, булар аёлларимизда, талаба ёшларда ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришга хизмат қилади.

**Зулхумор ЖҲАЕВА,** СУРАТДА: тадбирдан лавҳа. **Мухаммад АМИН (ЎЗА)** олган сурат.



(Давоми. Боши 1-бетда).

## Шу куннинг гапи

# МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ БИЛАН



Йўловчи ташиш билан шуғуланувчи транспорт воситаларининг хавфсиз ҳаракатини таъминлаш, оғир оқибатли йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, тизим устида назоратни кучайтириш, ҳар қандай ноқонуний хатти-ҳаракатларга чек қўйиш мақсадида белгиланган йўл-транспорт ислохотлари бошқармаларимизда пухта чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, соҳавий хизматлар бўйича тегишли вазифалар тақсимлаб олинди

ва амалий ишлар бошлаб юборилди.

Ҳозир бевосита бошқарма қошида ЙХХ ходимларидан иборат 6 та махсус гуруҳ тузилди. Улар томонидан вилоят ҳудудида қатор кучайтирилган профилактик тадбирлар, тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Аввало, тизимдаги долзарб ислохотлар, муаммо ва камчиликлар моҳиятини кенг оммага атофлича тушунириш, қатор ташкилотлар ва жамоатчилик вакилларини бу жараёнга жалб этишга эътибор қаратмоқдамиз.

Ходимларимизнинг касбий масъулияти ва жа-

Кундалик ҳаётимизни транспорт хизматисиз тасаввур қилиш қийин. Кейинги йилларда аҳолига сифатли транспорт хизмати кўрсатиш, айниқса, хавфсизликни барқарорлаштириш мақсадида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

ларга риоя этмаслик ҳолатлари қайд этилди. Уларнинг 1098 таси тегишли ҳужжатларга эга бўлмаган ҳолда аҳолига транспорт хизмати кўрсатганлиги, 378 тасининг техник ҳолати 136 тасининг техник ҳолати умуман текширилмаганлиги, 168 таси мажбурий техник кўриқдан ўтмаганлиги аниқланди. Бундан ташқари, яна кўплаш ҳушдорлик билан шуғуланувчи ташкилот, корхона ва уюшмалар бўйича йиғма кузатув ҳужжатлари янгиланиб, юридик уюшмаларга аъзо бўлган йўловчи ташувчи транспорт воситалари рўйхати тузилди.

Олиб борилган профилактик ва амалий тадбирлар ўз самарасини бераётир. Утган қисқа мўддат ичида йўловчи ташиш транспорт воситалари иштирокидаги хавфли ҳолатлар сезиларли даражада қамалмоқда. Бир сўз билан айтганда, аҳолига сифатли транспорт хизмати кўрсатуви тизимини шакллантириш, хавфсизликни таъминлашга қаратилган мақсадли чора-тадбирлар тобора кенг кўламли амалга оширилмоқда.

Исроилхўжа САЙДИКРИМОВ, вилоят ИИБ ЙХХБ катта нозири.

сўм микдориди жарима ундирилди. Мисол учун, Чирчиқ шаҳридаги «Зуфар-сервис», Ангрен шаҳридаги «Ангрен-сервис», Тошкент туманидаги «Сарокр-транс», «Меридиан» хусусий фирмалари механик ва мутасаддилари транспорт воситаларини техник носоз ҳолатда йўналишларга чиқарганлар ва бу билан ўз хизмат вазифаларига масъулиятсизлик қилганлар.

Шунингдек, айни вақтда ҳар бир туман ва шаҳарлардаги йўловчи ташиш фаолияти билан шуғуланувчи ташкилот, корхона ва уюшмалар бўйича йиғма кузатув ҳужжатлари янгиланиб, юридик уюшмаларга аъзо бўлган йўловчи ташувчи транспорт воситалари рўйхати тузилди.

Олиб борилган профилактик ва амалий тадбирлар ўз самарасини бераётир. Утган қисқа мўддат ичида йўловчи ташиш транспорт воситалари иштирокидаги хавфли ҳолатлар сезиларли даражада қамалмоқда. Бир сўз билан айтганда, аҳолига сифатли транспорт хизмати кўрсатуви тизимини шакллантириш, хавфсизликни таъминлашга қаратилган мақсадли чора-тадбирлар тобора кенг кўламли амалга оширилмоқда.

## ДИҚҚАТ, ТЕНДЕР!

Тошкент вилояти ҳудудида қатновчи шаҳар атофи ва шаҳарлароро (вилоят ичида) йўловчи ташиш йўналишларини 2006 йил май ойида очик тендерда жойлаштириш жадвали

Т/р	Йўналиш рақами	Йўналиш тури	Йўналиш номи	Тендер ўтказиладиган сана
1.	381	Шаҳар атофи	«Кўйлик АШБ — Паррандачилик фабрикаси»	16.05.2006 й.
2.	377 й.т.	Шаҳар атофи	«Ободон — Кўйлик АШБ»	16.05.2006 й.
3.	430 й.т.	Шаҳар атофи	«Ким-Пен-Хва — Кўйлик АШБ»	16.05.2006 й.

Вилоят ичида қатновчи шаҳарлароро ва шаҳар атофи йўловчи ташиш йўналишларида ишлаш ҳуқуқини олиш учун очик тендерлар ўтказилади. Очик тендерда мулкчилик шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган тартибда рўйхатга олинган, солиқ органлари ҳисобидида турвчи ва автомобиль транспортда шаҳар атофи ва шаҳарлароро йўловчи ташишини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган ҳўжалик юритувчи субъектлар иштирок этиши мумкин.

Тендер ташкилотчиси — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 29 июлдаги 368-сонли қарорига асосан Тошкент вилояти ҳокимининг 2006 йил 29 мартдаги 98-сонли қарори билан тузилган вилоят комиссияси.

**Комиссия манзили:** Тошкент шаҳри, У. Юсупов кўчаси, 3-уй.

Очик тендерда иштирок этишни хоҳловчилар вилоят комиссиясига тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун тендер ўтказиладиган санадан 5 кун олдин буюртма беришлари лозим. Вилоят комиссияси тақлифларни тендер ўтказиладиган кундан бир кун олдин соат 17.00 гача қабул қилади.

Тендер ўтказиш манзили: Тошкент вилоят ҳокимлиги, Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 19-уй. Ҳокимликнинг кичик мажлислар залида соат 15.00 да ўтказилади.

**Маълумот учун телефонлар:** 41-56-39, 136-77-42.

Наврўз байрами шодиёналари ҳамон давом этмоқда. У аҳоли манзилгоҳларида, маҳаллаларда бирин-кетин уюштирилди. Республика-миз пойтахтининг Мискин маҳалласида ҳам у қуни кеча шоду хуррамлик билан нишонланди.

## ДАСТУРХОНДА БАҲОР ТАОМЛАРИ

Кексалар хурматда-иззатда, ёшлар эса, улар хизматига бўлиши. Катта дастурхон ёзилиб, унга турли кўк соса-варақчалар, сумалак ва бошқа ноз-неъматлар қўйилди. Маҳалла фахрийлари бўлган отахон-онахонлар унинг атофидан жой олишди. Уларга дошқозонларда дамланган ош тортилди. Бир гуруҳ санъаткорлар, бадий ҳаваскорлик тўғрақлари аъзолари тадбирнинг янада файзли ўтишига ҳисса қўшилди. Маҳаллада истикомат қилувчи ўнга яқин тадбиркорлар ҳомийлиги ва моддий ёрдамида ўтган тадбир тантаналари кенгача давом этди.

**Гулнора МУСЛИМОВА.**



**Ўзбекистон Бадий академияси Тошкент Фото уйида "Қалб меҳвариди дунё" деб номланган фотокурса оғди. Унда таниқли фотожурналист Абдугани Жумаев асарлари намойиш этилмоқда.**

## «ҚАЛБ МЕҲВАРИДАГИ ДУНЁ»

А.Жумев салкам ўттиз беш йилдан бунён фото соҳасида ижод қилиб келмоқда.

Унинг асарлари миллий руҳи, азалий қадриятларимиз, гўзал урф-одатларимиз ва аъёнларимиз, Ватанимизнинг бетакрор табиат манзаралари ёрқин ва ўзига хос акс эттирилгани билан ажралиб туради. Суратлари Япония, Бельгия, Германия, Франция, Хитой каби давлатларда ўтган халқаро фотокурсада муваффақиятли намойиш этилган.

Кўргазмада фотоустанинг юртимиз табиати, халқимиз маданияти, санъати, меъморчилик аъёнлари, спорт соҳасида эришган ютуқлари, фидойи ватандошларимиз ҳаёти акс эттирилган икки юзга яқин портрет ва фотолавласи томошабинлар ҳўқмига ҳавола этилган.

**Назокат УСМОНОВА,**  
**ЎЗА муҳбири.**

### Шеърят

## ЖОНГА ЖОНДОШ ХАЛҚ ЎЗИНГ...

Ашурали Боймурод Бекобод туманида яшаб, ижод қилади. Жиззах Давлат педагогика институтида таҳсил олган.

Унинг шеърлари гоҳ Бекобод шомоллари сингари тўпори ва аёвсиз, гоҳ Сирдарё суваридек сокин, беозор. Ашурали Ватан, юрт ва одамлар ҳақида ўз тасаввурига эга шоир. Унинг «Дил сўзларим», «Табиат сеҳри», «Садоқат», «Соғинч» номли шеърлар тўпламлари чоп этилган. У Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси. Қуйида шоир ижодидан айрим намуналарни сизга ҳам илдиндик, азиз газетхон!

### ҚАЛАМ КУЧИ

Қалам кучи ўйнаганида юракларни,  
Яқин қилгай сизга олис, йироқларни,  
Зулмат ичра ёқиб бергай чироқларни,  
Дардинг борки, булар бари аламдандир,  
Ҳақиқатнинг юз очиси қаламдандир.

Сўзи кескир, кўзи ўткир бўлар унинг,  
Машъалага айланади қаро тунинг,  
Завқли ўтар унинг билан ҳар бир кунинг,  
Неки олсам, шу юрт, тулроқ, даламдандир,  
Бу юракнинг сўз очиси қаламдандир.

Муҳаббатта нома битдим қўлга олиб,  
Ёзавердим дилда борин куйга солиб,  
Ёзолсанг-да, бу майдонда сенсан голиб,  
Ёнар сўзнинг харфлари қаламдандир,  
Санамларнинг таърифлари қаламдандир.

Қалам кучи ўйготайди ҳисларингни,  
Нур-зиёга тўлдиради изларингни,  
Шу қаламдир ёруғ қилган юзларингни,  
Дардинг борки, булар бари аламдандир,  
Неки топсам, ўзим толган қаламдандир.

### ВАТАН

Ватан — юракларда кўз очган булоқ,  
Асрайман ҳар недан сенинг чашмингни.  
Дунё саҳнасида яралган бир боғ,  
Юрак қони билан чиздим расмингни.

Ватан — тоғдан юксақ, улуг қоямсан,  
Пойингга тиз чўкар азим дарёлар.  
Кўксимда туморим, миллий гоёмсан,  
Яшашни ўрганар сендан дунёлар.

Ватан — маъбудамсан, сиғинар жойим,  
Минг битта маъвои алишман сенга.  
Кўёш ҳам заминнинг ўпаркан пойин,  
Баридан мўқаддас ўзингсан менга.

Ватан — ўзлимсан, менинг кўнглимсан,  
Соғинган дамларда зорлигим Ватан.  
Ўзинг ёнар сўзим, дилда чўгимсан,  
Яшмоқ мазмуни — борлигим Ватан!

### ОНА ДУОСИ

Жаннати бор оёқ остида,  
Дунё бир гул гуё назидида,  
Гап кетса гар фарзанд устида  
Ёлғиз паноҳ — она дуоси.

Учмоқ бўлсанг, шу бағирдан уч,  
Бағринга бос, уни маҳкам куч,  
Ўлимни ҳам енга олган куч  
Ёлғиз паноҳ — она дуоси.



### ЁНИҚ СЎЗ

Она тилим — жону дилим,  
Жонга жондош халқ ўзинг,  
Сен Навоий, Машраб руҳи,  
Ватан бўлиб қалқ ўзинг.

Тил — миллатнинг ёниқ сўзи,  
Эл-улуснинг ойдек юзи,  
Юрагимни гуриллатиб  
Ёнаётган олов ўзи.

Истиқлолга ҳамоҳангсан,  
Томиримда оққан қонсан,  
Ўзлимни кўрсатмакка  
Сен ҳам энди бир жаҳонсан.

Жонимга жон бахш этурсан,  
Гулзор бўлди ташна дилим,  
Миллатимга кўзга бўлиб  
Мангу яша она тилим!

Севса жондан ортиқ севувчи,  
Фарзанд учун жонин берувчи,  
Энг сўнги дам «болам» дегувчи  
Ёлғиз паноҳ — она дуоси.

Асрагаймиз юракда номин,  
Ёруғ айлаб сахару шомин,  
Улуғ калом — ўзбекча омин:  
Ёлғиз паноҳ — она дуоси.

**Ашурали БОЙМУРОД.**

## ОТ ЎЙНАТГАН ЧАВАНДОЗ

Ўзбек миллий цирк санъатининг доғруғи жаҳон бўйлаб таралган. Унинг бу даражага етишида халқимиз орасидан етишиб чиққан истеъдодли санъаткорлар фаоллик кўрсатганлар. Жумладан, Ўзбекистон халқ артисти Карим Зарипов чавандозлар сардори сифатида майдонга чиқиб, бугун истеъдодини цирк санъати ривожига бағишлаган. Айна кунларда санъаткор таваллудига юз йил тўлди.



Диёримизда чавандозлар сулоласини бошлаб берган Карим Зариповда бу санъатга қизиқиш эрта бошланди. У Тошкентда очилган биринчи ўзбек циркида иш бошлаганда 7 ёшли чақон болакай эди. Йиллар ўтиши билан унинг ижрочилик маҳорати ўсиб борди. Бу орада анъанавий халқ циркининг бесуюяқ, муаллақчилик, қизиқчилик, чавандозлик жанрларини пухта эгаллаб, томошаларни замонавий гумбаз ости майдонига мослади. «Ўзбекистон йигитлари» чавандозлар гуруҳини тузиб, уни моҳирона бошқарди. У ўтган асрнинг йигирманчи йилларида цирк қизиқчилиги ва клоунда, ўттизинчи

йилларда эса «От ўйин» санъатини бирлаштириб, янги томоша дастурини яратди.

От ўйини ва эгчил чавандозликни цирк томошаси даражасига кўтарган устоз оиласида муносиб шоғирлар етишиб чиқди. Бу сулола бугунги кунда ҳам санъаткор изидан бориб, ўзбек Миллий циркини халқаро доирада оммалаштирмоқда.

Тошкент Давлат циркининг жонқуяр ташкилотчи сифатида танилган санъаткор бугунги кунда Тошкентдаги эстрада ва цирк коллежи деб юритилаётган маҳорат мактабига ҳам асос солди, қўллаб ёш истеъдодларни тарбиялади.

Устоз таваллудининг юз йиллигига бағишланган байрам томошасини тайёрлашда айнан шу тилим дароғи фаоллик кўрсатди. «Ўзбек циркининг ёш истеъдодлари» номли дастурда умидли ёшлар ўз маҳоратларини намойиш этишди.

**Акбар АЛИЕВ.**

### Шундан кейин

## ҚУРБОНЛАРСИЗ ПОРТЛАШ

Россиянинг Владивосток-Уссурийск электропоездида портлаш юз берди.

Қўлбола мослама поездининг учинчи вагонидан портлаган. Бу ҳодисада алоқадорликда шубҳаланиб, ҳибсага олинган уч эрақнинг айтишича, мослама балиқ ови учун ясалган экан. Хайриятки, вагондаги 12 йўловчидан ҳеч бири жароҳатланмаган. Қонунбузар балиқчиларга қандай чора кўрилиши олиб борилаётган тергов якунларига боғлиқ.

### ИШОНИШМАДИ

АҚШлик адвокат Жеффри Фигер Детроит шаҳридаги 911 кўчқарув хизмати судга бермоқчи.

У маъзур хизмат вакиллари уни ўлаётган аёлга ёрдам беришдан бош тортганликда айбляпти. Олти ёшли бола онасининг юрак хуружи тутиб қолганини айтиб қўнғироқ қилганда, улар болакайга ҳазиллашмай, гўшакни жойига қўйишни маслаҳат беришган.

### ЁФ КУШАНДАСИ

Олимлар лазернинг яна бир фойдали хислатини ишлаб чиқишди.

Америкалик тадқиқотчилар унинг ёрдамида терига шикаст етказмай, ёғ тўқималарини парчалаш имконини топдилар. Бу услубдан целлюлит ва акнега қарши курашда, шунингдек, атеросклерозни даволашда фойдаланиш режалаштирилмоқда.

### ОСМОНДАН ТУШГАН МУЗ

АҚШнинг Калифорния штатидаги Окланд шаҳри боғига осмондан бир метрга бир метр ҳажмдаги муз бўлаги тушди.

Кулаш чоғида музпарчаси ерда 80 сантиметрли ўра ҳосил қилди. Тадқиқотчилар тоза сувдан иборат бу ёғ бўлаги осмонда қай тариха ҳосил бўлгани-ю қай тарзда ерга тушганини ҳозирча ўзлаш бера олмаптилар.

Собир Раҳимов туманидаги 46-мактаб томонидан 1988 йилда Сидков Муҳаммаддильод Абдуганиевич номига берилган А № 781536 рақамли 8-синфни тугатганлиги тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Паркент туманидаги «ZARKENT AGRO INVEST» ҚК МЧЖ устоз фондини 297660,83 АҚШ доллари билан 151807,02 АҚШ доллари камайтираётганлигини маълум қилади.

Давволар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида 107-32-26 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Бекобод туманидаги Ломоносов номи 10-ўрта мактаб томонидан 1995 йил 20 июнда Ураков Бохидир Абдуразақович номига берилган А 0226912 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Утерьянний государственный ордер № 8008-А от 21.12.2001 г., выданный ООО «Адели».

**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Утерьянний гос. ордер № 05-01/8709 от 5.04.1993 г. на право собственности на квартиру Кунченко Игоря Владиславовича.

**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Утерьянний гос. ордер № 05-01/8709 от 5.04.1993 г. на право собственности на квартиру Кунченко Игоря Владиславовича.

**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

### Қилмиш-қидирмиш

## ФИРИБГАР

Содда, ишонувчан фуқароларни алдаб, мол-мулкни, пулларини қўлга киритишга уринганлар охириқабат ҳамиша қонун олдида жавоб беришади.

Бунини самарқандлик Собир Усмонов яхши биларди. Бироқ, айримларнинг лақмалари, унинг фирибига учиб, чув тушаётгани унга роҳат бағишларди.

Собир бир кунни қўшни қишлоқда яшовчи Гулбека Кўчқорова билан гаплашиб қолди. Аёл воёга етган ўғлини Тошкент шаҳрида ишга жойлаштириш ниятида экан. Бунини билиб, оғирини енгил қилиб, ёрдам беражagini айтади. Уни ишонтириш учун «Қўнғай тумани суд ижро департаментида ишлайман» дея сохта ясалган гувоҳнома кўрсатиб,

«ўғлини боқнонага ишга киритишдан олдин Мирзо Улуғбек туманига рўйхатга қўйиб бераман», деб 648 минг сўм пулини олиб, ҳазм қилиб юборади. Шу билан ҳам қониқмай, у «мижоз»ига иш яхши кетаётганлигини тушунтириб, ўғлини ишга жойлаштириш учун 963 минг 459 сўм заруригини уқтиради. Айтилган пул қанча тез берилса, ишга кириш учун зарур бўлган ҳужжатлар тўплаш шунча осон бўлишини эшитган Гулбека Кўчқорова фарзандининг камоли шу кишининг қўлида эканига ишониб, шунча пулни қандай бериб қўйганлигини ҳам билмай қолади.

Собир «мижоз»нинг ишонувчанлигини кўриб, унга: «Мен суд департаментиде ишлайман, бироз минилган «Тико», «Дамас» ёки «Нексия» автомашинаси олиб бераман», деб яна 1 миллион сўм пулини олди. «Мижоз»ларнинг ишончи учун нуфузли ташкилотлар олдида бориб,

қимларгадир телефон қилган киши бўлиб, ишлар зўр дея, уларни алдаб юраверди. Хужжатлаштиришни «тезлаштириш» ва келиб-кейтиш сарф-харажатлари учун «мижоз»дан яна 400 минг сўм олди. Ўрганган кўнғил ўртанса қўймас деганларидек, у зангиоталик Т. Файзиевни тумандаги нуфузли ташкилотлардан бири — молия бўлимига ишга жойлаштириб қўяман, деб 253 минг сўм пулини олди.

Бир айлантиргани чир айлантирар, деганларидек, Собир суд департаменти ходими эканлигидан фойдаланиб, унга 3 миллион 500 минг сўм эвазига «Нексия» русумли автомашина олиб бера олишини айтади ва ушбу ваъда учун 345 минг сўм олди.

Ойлар ўтиб, Собир ваъда қилган машиналардан дарак бўлавермагач, фуқарола Г. Кўчқорова ва Т. Файзиев алданиб қолганликларини билишиб, Қўнғай тумани ички ишлар бўлимига ариза билан мурожаат қилдилар.

— Аризаларнинг хатлари юзасидан, — дейди Қўнғай тумани ички ишлар бўлими катта терговчиси Хамид Зокиров, — ҳозир жиноят иши кўзгатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Шу ўринда айтиш жоизки, Собирнинг макр-ҳийласидан чув тушиб, жабр кўрганлар қисмати ҳамюртларимизга сабоқ бўлмоғи лозим.

**Шерали АНВАРОВ,**  
**Ишлар ички ишлар бошқармаси матбуот маркази катта ноziри.**

**«TOSHKENT REGIONAL TRADING» АК**  
шакар маҳсулотини куйидаги омборлардан пул ўтказиш йўли билан сотади:  
Чирчиқ ш. — т.: 8-271-53-333  
Охангарон ш. — т.: 8-264-52-666  
Тошкент ш. — т.: 152-11-34  
Факс: 152-11-75  
Товар сертификатланган.

### ● Спорт ●

## «МЕТАЛЛУРГ» ҒАЛАБАНИ БОЙ БЕРДИ

Миллий чемпионатда иштирок этаётган олий табақа жамоалари бешинчи тур учрашувларини ўтказдилар.

Бекободнинг «Металлург» жамоаси Урганчада «Хоразм» жамоаси билан баҳс юритди. Иккинчи бўлимнинг бешинчи дақиқасида Баҳром Умаров майдон эгалари дарвозабонини доғда қолдириб, ҳисобни очишга эришди. Бироқ, 67-дақиқада Неъматилла Қўтибёев жавоб тўпни киритишга муваффақ бўлди. 1:1 ҳисоби ўйин охиригача сақланиб қолди. «Металлург» ҳисобидеги очколар сони бештага етди ва у жадвалда 11-ўринини эгаллаб турибди.

### БИРИНЧИ ЛИГА ЙЎЛГА ЧИҚДИ

Миллий чемпионатнинг биринчи табақа жамоалари ҳам мусобақаларини бошлашди. Чемпионатда 20 жамоа иштирок этади.

«Кимёгар» ва «Олмалик кон-металлургия комбинати» жамоалари вилоятимиз шарафини ҳимоя қилади. Дастлабки учрашувда «Кимёгар» «Вообент»га қарши сафарда тўп суриб, 2:1 ҳисобида ўйини майдон эгаларига бой бериб қўйди. Виловатимизнинг иккинчи жамоаси ўз майдонида «ЎзДонгЖу» жамоасини қабул қилиб, 1:0 ҳисобида зафар қўчди.

**Талъат ЮСУПОВ.**

### ЁРУҒ ЮЗ БИЛАН ҚАЙТИШДИ

Жиззах шаҳрида спортнинг мотокросс тури бўйича Ўзбекистон чемпионати баҳсларининг учинчи босқичи бўлиб ўтди.

Ушбу мусобақа спортнинг техник ва амалий турлари республика маркази ҳамда Жиззах вилояти «Ватанпарвар» ташкилоти кенгаши ташаббуси билан ўтказилди. Унда Тошкент шаҳри, Тошкент, Навоий, Хоразм, Жиззах вилоятлари ҳамда қўшни Қозғистон Республикасининг Алматы шаҳридан таширф бўйорган жами 125 спортчи ўзаро баҳслашишди. Яқунли натижаларга кўра, Олмалик кон-металлургия комбинати жамоаси вакиллари Алексей Васильев ҳамда Ленур Небиев учинчи ўринни эгаллашди.

### Билиб қўйган яхши

## МУШУК ДЕВОР ТИРНАСА...

Агар дарахт шохлари ёз фаслида сарғайса куз эрта келади.

Кузда дарахт япроқлари бирдан тўқилса, билингни, киш қаттиқ келади.

Мевали дарахтлар кўп ҳосил қилган йили ҳам қиш қаттиқ келади.

Қоқиғул пуфагини пучайтириб олса, ёмғир ёғади.

Шамолда дарахт барглари ўнг тарафига қараб ётиб олса, ёгингарчилик бўлади.

Дарахтнинг қурган шохчалари

ўз-ўзидан узилиб тушса, бу ёгингарчилик белгиси.

Қалдирғоч пастлаб учса, ёгингарчилик бўлади.

Балиқ тез-тез сув бетига сапчиб чиқарса, ёмғир ёғади.

Қуш инини қуёш тарафга қаратиб олса, ёз салқин келади.

Товуқ кузда эрта туллаб, пат ташласа қиш юмшоқ келади.

От, сигир каби уй ҳайвонлари орқасини қай томонга қаратиб турса, шамол шу ёқдан эсади.

Қора моллар тўда бўлиб турдими, демек ёмғир ёғади.



Бойқуш чинқириб сайрайверса, бу ёмғир аломатидир.

Қора чигиртка чирилласа, билингни ҳаво очиб бўлар экан.

Мушук ҳадеб сув олдига бораверса, ҳаво айниди, қулча бўлиб ётса, совуқ тушади, чалқанча ётса ҳаво очиб бўлади, деворни тимдаласа ҳаво айниди.

**С. ҚАРНОКЛИ тайёрлади.**

**ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ**  
**ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА**  
**Муассис:**  
**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ**

**Бош муҳаррир**  
**Убайдулла АБДУШОҲИДОВ**

**Телефонлар:**  
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48.  
Эълонлар: 133-58-85, 136-53-54.

**Манзилимиз:**  
700000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32.

**Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридagi Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.**

**Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.**

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъул дид.